



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МДХНИНГ НОРАСМИЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 декабрь куни Санкт-Петербург шаҳрида МДХга аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этди.



Тадбирда Россия Президенти Владимир Путин, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ва Арманистон Бош вазири Никол Пашинян қатнашди.

Учрашувда 2023 йилги кўп томонлама ҳамкорликнинг асосий яқунлари сарҳисоб қилинди ва келгуси йилга мўлжалланган устувор вазифалар

қўриб чиқилди. МДХ доирасида кўп қиррали муносабатларни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди, минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимиз Ҳамдўстликда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон 20 дан ортқ тармоқ бўйича ҳамкорлик органларига ҳамда устувор соҳа ва тармоқлар бўйича 24 та муҳим битимга қўшилди.

МДХ мамлакатлари компаниялари билан саноат кооперацияси бўйича

лойиҳалар портфели 30 миллиард доллардан ошди ва деярли барча тармоқларни қамраб олган.

Давлатимиз раҳбари МДХ доирасидаги амалий ҳамкорликни тубдан кенгайтириш ва ҳамкорликнинг амалдаги институционал механизмлари самарадорлигини ошириш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Шу куни Санкт-Петербург шаҳридаги МДХ норасмий саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг 5-7 октябрь кунлари Россияга амалга оширилган олий даражали ташриф якунида эришилган келишувларни рўёбга чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Товар айирбошлашнинг ўсиш суръатини сақлаб қолиш ҳамда истиқболли кооперация лойиҳаларини илгари суриш мақсадида яқин идоралараро мувофиқлашув ва амалий ҳамкорликни, шу жумладан, икки мамлакат ҳудудлари даражасида таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Минтақавий кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашилди.

МДХ норасмий саммитининг маданий тадбирлар дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Санкт-Петербург шаҳрининг сарой-боғ мажмуалари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Россия, Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон етакчилари билан биргаликда "Павловск", "Царское село" ва "Петергоф" музей-қўриқоналарига ташриф буюрди.

XVIII-XIX асрларда барпо этилган ушбу тарихий обидалар ЮНЕСКО

Бутунжаҳон мероси рўйхатига киририлган, меъморчилик ва боғчилик санъати дурдоналари сифатида тан олинган.

Танишув чоғида давлат раҳбарларига саройлар тарихи, уларнинг ички безаги ва бадий тўпламлари тўғрисида батафсил сўзлаб берилди. Олий мартабали меҳмонлар эътиборига муסיқа ва халқ оғзаки ижоди жамоаларининг чиқишлари ҳавола этилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг амалий ташрифи яқунланди.

ЎЗА

### БИЗНИНГ СУХБАТ

## РЕНЕССАНС ЗАБТИ МАЪНАВИЙ-АҚЛИЙ ҲОДИСАЛАРДАН ҚУВВАТ ОЛАДИ

"Таржимон ҳам, ёзувчи, шоир ҳам ҳеч қачон дид-фаросатда замондош ўқувчига мослашиб, тенглашиб ижод қилолмайди. Ижодкор ҳамма вақт дид-фаросат, виждонлиликда замондан, замондошларидан анча олдинроқда юради. Бўйи омманнинг бўйига баравар, қилиғи омманнинг қилиғидан фарқ қилмайдиган, ўз фикрига эга бўлмаган киши қандай қилиб ёзувчи, шоир, санъаткор, танқидчи, таржимон бўлиши мумкин? Йўқ, ижодкор ҳамма вақт чуқурроқ ўйлайди, узокрокини кўради, умумманфаатни ўтқирроқ, теранроқ тушунади. Шунинг баробарида у ижодкор деб аталади".

Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим ҒАФУРОВнинг ушбу сўзлари бу галги дийдорлашув учун ўзига хос муқаддима бўлди. Адабиётшунос олимизнинг ниҳоясига етаётган 2023 йил

воқеликлари, ўзгаришлари, фикр тўлқинлари ва долғалари ҳақидаги хулосалари сизни ҳам бефарқ қолдирмаслигига ишонамиз.

Давоми 5-бетда

### ДУНЁ ЭЪТИРОФИ

## ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН РЕЗОЛЮЦИЯ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИ ЯГОНА МАҚСАД ЙЎЛИДА БИРЛАШТИРАДИ

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан бир овоздан қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг "Марказий Осиё" глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлида минтақавий бирдамликни мустаҳкамлаш" резолюцияси экспертлар ҳамжамияти ва мазкур тузилма ихтисослашган ташкилотлари вакиллари томонидан юқори баҳоланмоқда.

Резолюция қабул қилингандан сўнг БМТ Аxbорот хизмати ушбу глобал ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган тахлилий мақолани эълон қилди. БМТнинг юқори мартабали вакиллари ушбу муҳим

ҳужжат Бош Ассамблея томонидан муваффақиятли қабул қилингани муносабати билан самимий фикрларини билдирди.

Давоми 2-бетда

### БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

## КУЧЛИ МАЪНАВИЯТ — ЖАМИЯТНИ ПОКЛАНТИРУВЧИ ЁҒДУ

Бугун барчамиз — каттаю кичик, аёлу эркак Республика Маънавият ва маърифат кенгазининг 22 декабрь куни давлатимиз раҳбари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган йиғилиши таассуротлари билан ишяпмиз. Катта-кичик давралар, одамлар орасида йиғилишда илгари сурилган фикр ва ғоялар, мулоҳазалар, асосли хулосалар муҳокама қилинмоқда. Қувонарлики, бутун жамият унда кўтарилган масалаларнинг нечоғлиқ аҳамиятли эканини, барчамиз келгуси авлод тақдири учун масъулликимизни бот-бот таъкидламоқда.



Йиғилишда кўтарилган масала жамиятнинг барча соҳалари — хоҳ у иқтисодийёт, хоҳ сиёсат, хоҳ ёшлар тарбияси бўлсин, мамлакат ва миллат тақдири учун ўта муҳим маънавият, маърифат, тарбия масалаларига дахлдор бўлгани учун ҳам катта ижтимоий қизиқиш уйғотди.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасини унинг мамлакат ва миллат тақдири учун жон куйдириш, юксак масъуллик намунаси сифатида баҳолаш мумкин. Буни эса бугун бутун жамиятнинг, энг аввало, зиёлиларимизни уйғотишга, уларнинг бундан 7 йил аввал бошланган туб ислохотларга дахлдорлик даражасини янада кучайтиришга даъват тарзда тушуниш тўғри бўларди.

Давоми 3-бетда

### БУГУННИНГ ГАПИ

## АҚШ БОЗОРИГА "КИРИШ ЧИПТАСИ"

уни Ўзбекистон ишлаб чиқарувчилари  
Марказий Осиёда биринчи бўлиб қўлга киритди

Бугун жаҳон бозорига кириш осон эмас. Бозор тартиб-қоидаларини харидорлар талаби анча ўсган. Дид билаб. Қувонарлики, шундай шароитда ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар халқаро бозорларни забт этишнинг уддасидан чиқмоқда. Гап шундаки, Президентимизнинг 2023 йил 10 январдаги "Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини тубдан ислох қилиш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида жорий йилда "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси зиммасига ушбу йўналишдаги экспорт ҳажмини 2,6 баробар ошириш вазифаси қўйилган эди. Шу боис, тизимда "Made in Uzbekistan" бренди остидаги маҳсулотларни ташқи бозорларга, жумладан, АҚШ бозорига олиб кириш бўйича тизимли ишлар олиб борилди.

Маълумотларга кўра, 2022 йилда Осиёдан АҚШга қиймати 5,5 миллиард доллардан зиёд газлама ва мато экспорт қилинган. Бу Ўзбекистон тўқимачилик корхоналари учун ҳам кенг имконият яратди. WRAP (Worldwide Responsible Accredited Production) халқаро ижтимоий сертификати эса ушбу бозорга "кириш чиптаси"дир.

Нима учун аксарият тўқимачилик корхоналари мазкур сертификатни қўлга киритишга интилади? Бунинг биринчи сабаби, океанорти мамлакатининг катта эҳтиёжи. Яъни АҚШ бозори бир йилда 100 миллиард долларлик



тўқимачилик маҳсулотларини импорт қилади. Бу бутун Европа Иттифоқи давлатлари эҳтиёжидан ҳам кўп. Қолаверса, энг нуфузли ва таниқли савдо брендлари ҳам шу ерда жойлашган.

Давоми 4-бетда

ДУНЁ ЭЪТИРОФИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН РЕЗОЛЮЦИЯ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИ ЯГОНА МАҚСАД ЙЎЛИДА БИРЛАШТИРАДИ

Бошланғичи 1-бетда

Ли ЦЮНЬХУА, БМТ Бош котибининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари:

— Ўзбекистон Президенти ва халқини БМТ Бош Ассамблеяси томонидан "Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршида: барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлида минтақавий бирдамликни мустақамлаш" резолюцияси бир овоздан қабул қилинган билан самимий табриклайман. Ушбу муҳим резолюция экологик муаммоларга, жумладан, музликларни ҳимоя қилиш, ерларнинг деградациясига қарши курашиш, сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш ва энергия самардорлигини оширишга қаратилган асосий масалаларни илгари суради.

Резолюция барқарор ривожланишга комплекс ёндашуви рағбатлантиради ва умуммиллий муаммоларни ҳал қилишда кучли восита сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг ушбу ташаббуси одамлар бирлашса, амалий ҳаракатлар олиб бориш, барқарор, адолатли ва хавфсиз дунёни барпо этишда нималарга эришиш мумкинлиги намунасидир. Резолюция Марказий Осиё давлатларининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиши ҳамда халқаро ҳамжамият кўмағида жамоавий мажбуриятларини кучайтиради.

Бугун биз Ўзбекистон Президенти ва халқи ташаббусини тантанали равишда нишонлар эканми, мамлакатингизнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги қатъий интилишини самимий кутлаймиз. БМТ тизими Ўзбекистоннинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашда давом этади.

Келинг, барча учун барқарор ва адолатли келажақни барпо этиш йўлида умумий саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириб, ҳамжихатликда ҳаракат қилайлик.

Вернер ОБЕРМАЕР, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Нью-Йоркдаги ваколатхонаси директори:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга халқаро ҳамжамият эътиборини яна бир бор Марказий Осиёдаги экологик муаммоларга қаратгани учун самимий миннатдорлик билдираман. Шунингдек, Ўзбекистон халқини ўтган ҳафтада БМТ Бош Ассамблеясининг кенг қамровли ва аниқ ҳаракатларга йўналтирилган резолюцияси муваффақиятли қабул қилинган билан чин юракдан табриклайман.

Дунё аҳолисининг деярли ярми иқлим ўзгаришининг салбий таъсирига ўта заиф бўлган ҳудудларда истиқомат қилмоқда. Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳароратнинг кўтарилиши чўлпанли ва қургўқчилик даражасини оширмоқда. Сўнгги йигирма йил ичида 65 ёшдан ошган одамлар орасида иссиқлик тўғрисидаги ўлим даражаси 70 фоизга етди.

Сув танқислиги дунё аҳолисининг 40 фоизига таъсир қилмоқда. 2030 йилга бориб,



230 миллиондан ортиқ киши ушбу таҳдид остида қолиши ва улар бошқа ҳудудларга кўчиб кетишга мажбур бўлиши мумкин. Иссиқлик, юқумли касалликлар тарқалиши, сув танқислигининг кучайиши ва озиқ-овқат хавфсизлигига путур етказётгани сабабли биз одамлар соғлиқини сақлашни таъминлай олмаيمиз. Бу, айниқса, ҳарорат глобал ўртача кўрсаткичдан икки баробар кўтарилган Марказий Осиёда жуда долзарбдир.

Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган мазкур резолюцияда Марказий Осиё, жумладан, Оролбўйи минтақасидаги экологик муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш ва иқлим ўзгаришига мослашиш чораларини кўриш бўйича минтақавий ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги алоҳида қайд этилган.

Мен Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ушбу муҳим ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни тасдиқлайман.

Филипп МАРТИНЕТ, Франциянинг БМТдаги доимий ваколатхонаси сиёсий масалалар бўйича катта маслаҳатчиси:



— Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг янги резолюцияси қабул қилинганидан чўқур таассурот ва илҳом олганимни таъкидлашим керак. Марказий Осиё юзлашган ва дуч келадиган экологик муаммолар яқин минтақавий ҳамкорликни тақозо этмоқда. Биз бундай ҳамкорликни рағбатлантираемиз ва минтақадаги беш давлат ўз саъй-ҳаракатларида бирлашгани ҳамда бу йўналишдаги алоқаларни ривожлантириш мақсадида турли тадбир ва форумлар ўтказиш ниятида эканидан жуда мамнунимиз.

Резолюциядаги ўзаро бирдамлик ва муҳим ташаббуслар учун Ўзбекистонга яна бир бор самимий миннатдорлик билдираман. Биз БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича навбатдаги конференцияларига ушбу йўналишдаги мажбуриятларни янада кучайтиришга қақирамиз.

"Дунё" АА

Нью-Йорк

ХУДУДЛАР ҲАЁТИ

"Чиркай" маҳалла фуқаролар йиғини Фурқат тумани марказига яқин ҳудудда жойлашган. Лекин муаммолари эски. Пастқам уй-жой, тор, ўнқир-чўнқир кўчалар, деҳқончилик ва мол-қўй боқиб кун кўраётган содда, самимий одамлар ҳаёт тарзи мақтангулик эмасди. Ишлаб чиқариш тармоқлари йўқлиги хотин-қизлар, ёшлар ўртасида ишсизлик кўпайишига сабаб бўлган.

ТАДБИРКОРЛИК МАРКАЗИГА АЙЛАНАЁТГАН МАҲАЛЛА

Олис ва чекка қишлоқларда яшаётган аҳоли учун муносиб шарт-шароитлар яратиш бериш борасидаги "Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла" мезонлари кўҳна маскан ҳаёт тарзини ўзгартирди. Аҳоли хонадонлари, кўчаларнинг меъморий қиёфаси янгиланди, кўмакка муҳтож оилалар ҳар жиҳатдан ижтимоий қўллаб-қувватланди. Ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, маҳаллаларни тадбиркорлик марказларига айлантириш, ичимлик суви келтириш, электр тармоқларини янгилаш, кўчаларни асфальтлаш, мактаб, мактабгача таълим ташкилотларини таъмирлаш, аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланиши учун сув таъминотини йўлга қўйиш каби турфа муаммоларни бартараф этиш учун керакли маблағлар ажратилди.

Маҳалламиздаги 635 та хонадоннинг ҳолатини обдон ўрганиб чиқиб, 4 тоифага ажратиб олдик, — дейди "Чиркай" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зоҳиржон Каримов. — Аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шу кунга қадар Тонг гули, Равнак, Намуна-1 кўчаларидаги 11,2 километрга яқин ички йўлга асфальт, 4,9 километрга шағал ётқизилди. Ёш авлод, Ёш авлод-2, Тонг гули, Намуна кўчаларидаги мавжуд ичимлик суви қудуғи ва сув минораси таъмирланди, 3 та янги сув минораси ўрнатилиб, ҳар бир хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди. Эскирган симёғочлар ўрнига 264 та янги ўрнатилди, кабеллар янгиланди. Намуна кўчасидаги трансформатор таъмирланди, 4 та янги трансформатор ўрнатилди, электр энергияси таъминоти яхшиланди.

Аҳоли муаммолари хонадонбай ўрганилиб, ишсизлиги аниқланган 78 фуқаронинг 25 нафарига субсидия асосида тикув машинаси, 22 нафарига меҳнат қуроллари олиб берилди, 17 нафарига чорвачилик, томорқачилик йўналишларида тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли кредитлар ажратилди, 15 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларида жалб этилди.

Тикувчилик малакасига эгаман. Аммо уй юмушлари, фарзанд тарбиясидан ортиб, бошқа жойга бориб ишлашга имкониятнинг йўқ эди. Шунинг учун ишсиз аёл сифатида "Аёллар дафтари"га киритилганим, — дейди Ёқутхон Қодирова. — Субсидия асосида тикув машинаси олишни тақлим қилишди, роза бўлдим. Энди уй шароитида оилавий тадбиркорлик қилиб, даромад топиш имкониятига эга бўлдим. Тикувчиликка қизиққан қўшниқўшниларимга ҳам хунара ўргатаяман.

Ўринбуви Турдиматова маҳалладаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардан. Қарамоғидаги ўғли ва келини ногирон. Хонадонни ҳомиёлар кўмағида таъмирлаш бошланганди. Қисқа вақтда уч хонали эски уй томи шифер қилинди, айвон яшаш хонасига айлантирилиб, ошхона, тандирхона қурилди.



Биз каби эҳтиёжманд оилаларга берилаётган эътибор ва ғамхўрликлардан чексиз миннатдоримиз, — дейди шу маҳаллада яшовчи Зарифа Қосимова. — Боқувчимиз йўқ, вояга етмаган икки фарзандим бор. Уйимиз таъмирталаб эди. Яхшилар кўмағи, қўллаб-қувватлаш тўғрисида икки хонали замонавий уй қуриб, керакли шароитлар яратиш биланги киши-қировли кунларда жуда қўл келди. Хонадонимиз, яшаш шароитимиз ҳавас қиларли даражада ўзгарди.

Худудда инвестиция дастури, республика ва вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари, "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари", "Саховат ва кўмак" ва жамоатчилик жамғармалари, тармоқ корхоналарининг ҳомиёлик маблағлари доира-сида кенг қўллаб-қувватлаш, таъмирлаш ишлари бажарилди. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламига деҳқончилик қилиш учун ер, асбоб-ускуналар учун субсидия, бандлигини таъминлаш, моддий ёрдам бериш учун керакли маблағ ажратилди.

Аҳоли фаровонлиги йўлидаги бунёдкорликлар одамлар кўнглини кўтарди, янги мақсад, ташаббусларга ундади, — дейди меҳнат фахрийси Абдумухтор Жўраев. — Ҳамжихатликда бажарилган ишларни қўриб, ҳавасингиз ортади. Мана, бўларкан-ку. Ҳамжихатликнинг ўртасида норасмий равишда "Кимнинг уйи, кўчаси чиroyли?" мусобақаси бошлангидан кетгандек гўё. Ҳар бир хонадон эгаси "Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла" мезони мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб, қўллаб-қувватлаб, кўмак берди. Бу борада таъмирланган ишлар мавсумий бўлиб қолмайди, албатта. Уй, кўча ва маҳалладаги ободонлаштириш жараёнига гувоҳ бўлган ёшларимиз бу эзгу аъёнлардан ўзига ижобий хулоса чиқариб олиши табиий.

Маҳаллада тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес тармоқларини қўллаб-қувватлаш орқали ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш чоралари қўрилди. Шу кунга қадар бу йўналишларда имтиёзли кредит олиш истагини билдирган 40 нафар фуқарога 657 миллион сўм берилди, 3 та кичик лойиҳа ишга туширилиб, ўндан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Умумтаълим мактабининг бўш турган биносида ёшларни касб-хунарага ўргатиш маркази очилди. Бу ерда маҳалла

ёшлари тикувчилик бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлади.

"Чиркай" маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бино қуриб берилди. Замон талабларига мос жиҳозланган бинодо маҳалла "еттиллиги" фаолияти учун керакли шарт-шароитлар яратилди. "Жамоатчилик маскани" хизмати йўлга қўйилди. Маҳалла биносига туташ ҳудудда маҳалла боғи ташкил этилиб, 300 туп манзарали, 700 туп гул кўчати экилди. Атрофи ободонлаштирилиб, ўриндиқлар, сайр йўлаклар қурилди. Ёшларнинг бўш

вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида футбол майдони таъмирланди, Workout майдони қуриб битказилди.

— Мамлакатимиз бўйлаб қулоч ёйган бунёдкорлик ишлари Фарғона вилоятидаги бошқа маҳаллаларда ҳам ҳамжихатлик, кўтаринкилик билан амалга оширилди, — дейди вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғи Анваржон Абдуллаев. — Шу кунга қадар Қўштепа туманидаги "Шомирза", Риштон туманидаги "Пандигон" ва Қўша туманидаги "Қорақум" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 42 кўчада "Обод кўча" мезонларини жорий этиш мақсадида 24,8 километрга асфальт, 22,9 километрга шағал ётқизилиб, пидедалар йўлаклар қурилди, 29,2 километр янги электр тармоғи тортилди, 12 та трансформатор ўрнатилиб, 21 таси таъмирланди. Яроқсиз ҳолатга келган 535 та симёғоч янгиликларига алмаштирилди, 604 та қўшимча симёғоч, тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. 60,4 километр тоза ичимлик суви, 0,6 километр оқова сув тармоғи тортилди, 7 та сув минораси ўрнатилди, 3 таси таъмирланди. Чиркай, Пандигон ва Қорақум маҳаллаларида "Жамоатчилик маркази", "Нуронийлар маскани"лари қуриб битказилди, ёшлар спорт майдончаси барпо этилди, 460 кишининг бандлиги таъминланди. "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган 242 кишига 902 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. Ўзини ўзи банд қилиш истагини билдирган 112 хотин-қиз тикув машиналари, 4 нафар ёш мотокультиватор, 6 нафари электр пайвандлаш ва дурадгорлик ускуналари билан таъминланди. Тиббий кўриқдан ўтказилган 14 минг 644 кишининг 26 нафарига даволашни учун ордер, 15 нафарига сихатгоҳ, санаторий ва профилакторийларга йўлланма берилди. Шунингдек, ногиронлик аравачаси, протез-ортопедия воситалари, бе-

пул дори-дармон етказиб берилди. 97 кишига 2 миллиард 362 миллион сўм кредит, 167 кишига 1 миллиард 69 миллион сўм субсидия олишга кўмаклашилди. "Обод хонадон" ва "Обод кўча" кўрик-танловининг 15 нафар ғолиби эсдалик совғалар ва фахрий ёрликлари билан тақдирланди.



Сирасини айтганда, юрт ободлиги, аҳоли фаровонлиги йўлидаги ҳаётбахш ислохотлар чекка ва олис қишлоқларни обод ва кўркям маканларга айлантирмоқда. Бунинг эътирофи ва эътиборга сазовор бўлаётган амалий ишлар кўрсатиб турибди.

Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири Шерзод Қорабоев олган суратлар.

ЖАРАЁН

Бу йилги қиш ҳали Сурхонни забтига олмади. Шунга қарамай, вилоятда қиш мавсумидан беталафот ўтиш ишлари бир зум бўлса-да тингани йўқ. Ҳозир Сурхондарё вилоятида 129 мингдан ортиқ истеъмолчи табиий газдан фойдаланмоқда. Вилоятда уларга юқори, ўрта, паст босимли қарийб 2342 километр газ қувури орқали табиий газ етказиб берилди.

Қувурларнинг 43 километрдан ортиғи ер остидан ўтган. Табиий газ таъминотчилари куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида мавжуд қувурларни назоратдан ўтказиб, ҳолатини ўрганди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун 29,85 километр газ қувури мукамал таъмирланди, 3,2 километр газ қувури реконструкция қилинди.

— Қишнинг изгиринли кунларида истеъмолчилар мавсумга қўрган ҳозирлигимизга баҳо беради, — дейди "Худудгаз Сурхондарё" газ таъминоти филиали бош муҳандиси Зайниддин

ҚИРОВЛИ КУНЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА

Шодиев. — Мавсумга тайёргарликни ёзда бошлаб, тегишли режа тузиб олганмиз. Барча ишлар белгиланган режага мувофиқ амалга оширилмоқда. Масалан, Термиз автоматик газ тарқатиш шохобчасидан чиққан 6,3 километр қувурда аниқланган камчилик бартараф этилиб, қувурнинг бир қисми

ер остига олинди. Бу эса 7852 жисмоний ҳамда ўнлаб улгуржи истеъмолчининг газ таъминотини тубдан яхшилаб, эҳтимолий ноқулай ҳолатнинг олдини олди.

Маълумотларга кўра, куз-қиш мавсумига тайёргарлик даврида вилоят маркази, Термиз, Жарқўрғон, Сарисо-

сиё, Денов ва Қумқўрғон туманларида 17,4 километр газ қувури ер устига олиниб, носоз қисмлари таъмирланди. Бандихон, Шеробод, Ангор туманларида ер остидаги юқори босимли табиий газ қувурларининг 490 метри ер устига ўтказилиб, яроқсиз қисми алмаштирилди. Натжидада 45 маҳалладаги 23 мингга яқин хонадон ва қарийб юзта улгуржи истеъмолчининг табиий газ таъминоти яхшиланди.

Зайниддин Шодиевнинг айтишича, айна пайтда газчилар эътибори мавсумни беталафот ўтказишга қаратилган. Бу жараёнда барча бўлимларда захира омборхоналари ташкил этишга эътибор кучайтирилган. Бунинг учун вилоят марказий омборхонасида ҳам қўшимча эҳтиёт қисмлар захираси яратилиб, турли ўлчамдаги қувур, карбид, пайвандлаш учун зарур жиҳозлар тахт қилиб қўйилган.

Туман ва шаҳар бўлимларида куз-қиш мавсумида газ таъминотидаги носозликларни бартараф этиш учун авария-диспетчерлик қисмлари, доимий навбатчилик гуруҳлари ташкил этилди.



Барча газ тўлдириш шохобчаларида тайёргарлик ишлари якунланди.

— Омборимизда 52 турдаги эҳтиёт қисмлар захира қилинди, — дейди "Термизшаҳаргаз" газ таъминоти бўлими бошлиғи Файзулло Ҳамроев. — Қишда авария юзга келадиган бўлса, носозлиқни зудлик билан бартараф этиш учун барча зарур чоралар қўрилади. Доимий навбатчилик гуруҳлари учун махсус автотранспорт воситаси, тажрибали пайвандчи, чилангар ажратилди. Улар смена асосида доимий ишлайди. Барча гуруҳлар махсус

мобиль алоқа воситалари билан таъминланган бўлиб, вилоят марказий диспетчерлик пунктига келиб тушаётган муурожаатлар ҳудудларга тезкорлик билан етказилади.

Шу кунларда соҳа ходимлари ҳудудларда истеъмолчилар ўртасида куз-қиш фаслида машиий газ баллонлари ва суюлтирилган газдан хавфсиз фойдаланишга қаратилган тарғибот тадбирларини ўтказмоқда.

Азиз МАШРАБОВ, журналист



БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

# КУЧЛИ МАЪНАВИЯТ — ЖАМИЯТНИ ПОКЛАНТИРУВЧИ ЁҒДУ

Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ, сиёсий фанлар доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Бежиз маърузада Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари — уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намояндлари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар, деб таъкидланмади. “Чиндан ҳам мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига кираётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби Ғарб илим-фани ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етуқ кадрлар сув билан ҳаводек зарур”, деди давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, бугун замон ўзгарди. Унинг шиддати ҳаддан ташқари кучли. Теварак-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил этиш, тўғри хулоса чиқаришдан оғир масала йўқ. Ким ҳақ, ким ноҳақлигини англаш тобора қийинлашиб бормоқда. Бир қутбли дунёнинг кўп қутбли дунёга айланиши эса барчамизнинг аввалги тасаввурларимизни ўзгартириб юборди.

Қолаверса, бугунги дунё бутун жаҳон ҳамжиамияти қатори мамлакатимиз олдида ҳам мутлақо янги вазифаларни қўймоқда. Бу ҳол, айниқса, мустақиллигимизни асраш, тинч ҳаётимиз, халқимиз, аввало, фарзандларимиз қалби ва онги, келажакни асраш борасида аққол намोён бўлмоқда.

Дунёдаги кескин мафқуравий ўзгаришлар, радикал, агрессив оқимлар кучайиб бориши, ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди. Айрим давлатларда “буюк давлатчилик” гоёси, тажовузор гуруҳлар томонидан юриштирилган, беюзор бўлиб қўрилган тесқари тарғиботлар яширин “жозибаси” билан кўпларни ром айлапти. Бугун улар ёвуз башараларни тобора ошқор этмоқда, ваиронкор, бузғунчи гоёлари билан қанчадан-қанча ёшларни тўғри йўлдан адаштирмоқда.

Шу ўринда ўзимизга савол бериб кўрайлик: тобора кучайиб бораётган хавф-хатарлар, зиддиятли ҳолатлар, кескинликлардан сақланишнинг ягона йўли хушёрлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш эканини ҳаммамиз яхши тушунамизми?

Жаҳонда ўш бераётган зиддиятлар, қарама-қаршиликлар, турли таҳдид ва хатарлардан эл-юртимизни ҳимоя қилишнинг ишончли тизими яратиб берилганидан хабаримиз борми?

Эркинлик ниқоби остида ёшларимизни миллий қадриятлар, минг йиллар мобайнида шаклланган урф-одатлардан, қолаверса, ўзгича айиришга уринаётган сохта “дўстларимиз” қўлайиб бораётганини англаб етганимизми?

Афсуски, бу саволларга жавоб топish жуда қийин. Йиллардан бу ҳақда тўхталиб, мамлакат раҳбари бундай деди: “Ўзимизга бир савол бериб кўрайлик: биз бугунги кескин шароитда гоёвий-мафқуравий соҳада рақобатда тайёримизми? Ёш авлодимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб бераётми? Мана, бугун маънавий-маърифий масала қандай ўткир ва кўндаланг бўлиб турди.”

Булар оддий саволлар эмас. Одамни жиддий ўйлантирадиган, ташвишга соладиган саволлар. Агар биз бу ёруғ дунёда Ўзбек, Ўзбекистон деген номлар билан яшаб қолишни истайдиган бўлсак, бу саволларга бугун жавоб топганимиз ва уларни ҳал этиш бўйича амалий ҳаракатларни айнан бугун бошлашимиз шарт. Эртага кеч бўлади”.

Бугунги мураккаб гоёвий-мафқуравий шароитда маънавият ва тарбиянинг биз учун, келажак авлод учун қанчалар даражада зарурлиги ҳақида баҳс қилинган замоналар ўтиб кетди. Чунки маънавият, маърифат, тарбия биз учун сув ва ҳаводек кераклигини англаб етмаганлар ораимизда кам қолди.

Бирок масаланинг бошқа жиҳати бор. Жаҳонда гоёлар ва мафқуравий кураши тобора кучайиб бораётган бир шароитда мустақиллигимизга раҳна солувчилар ҳали мақсадларидан воз кечмаган даврда, қолаверса, фарзандлар тарбиясига ҳали ўнган, ҳали сўлдан ички ва ташқи таҳдидлар янада кучайиб турган ҳолатда “бизга маънавият нима учун керак?”, “маънавият” сўзини ўзгартириш вақти келди”, деб айхоҳаннос солаётганлар, авасасга ташаётганлар қандай бўлиши мумкин?

Наҳотки, улар “маънавият” сўзининг замирини тарбия, ватанпарварлик, ахлоқ, миллий ўзлиқ каби тушунчалар ташкил этишини англамасе! Ватансизлик гоёсини ўзида синдириган космополитизм, бу дунёни фақат роҳат-фароғатдан иборат деб билувчи гедонизм гоёлари, эркинлик ниқоби остидаги ахлоқсизлик фалсафасини тарғиб этишни тарғибот технологиялари тобора кучайиб бораётган бир шароитда маънавият масаласига ўта жун, қадросиз қадрият сифатида муносабат билдираётганларга, тўғриси, раҳимим келади.

Айримлар дунёнинг шиддат билан глобаллашуви даврида секин-асталик билан жамиятимизга, айниқса, ёшларимиз онгу шуурига кириб, чирмовуқдек ёпишиб олаётган “оммавий маданият” ва унинг хатарли



оқибатларини сезмаслиги ҳам барчамизни ташвишга солиши керак, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, бугунги мафқуравий вазият кескинлашган бир даврда “оммавий маданият” ниқоби остидаги таҳдидларга қарши кураш алоҳида ўрин эгаллайди. Муайян даражада гоёвий бўлиқдан фойдаланиб, ахлоқий бузуқлик, зуравонлик, индивидуализм, эгоцентризм каби ғайринсоний гоёлари тарқатишга интиладиган, катта маблағ ва ресурсларга эга “оммавий маданият” бутун инсониятга таҳдид солмоқда, унинг таъсир доираси тобора кенгайиб бормоқда.

Айни пайтда биз “оммавий маданият” деганда, негадир фақат Ғарбдан кириб

Бундай маънавият, биринчидан, жамиятнинг янги ижтимоий-маънавий қиёфасини шакллантириб беради. Янги ижтимоий-маънавий қиёфа жамият аъзоларида соғлом тафаккур тарзини пайдо қилади, теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилишга ва ҳолис хулосалар чиқаришга имкон яратади.

Иккинчидан, кучли маънавият одамларда ўзгараётган дунёда содир бўлаётган турли таҳдидларга, гоёвий-мафқуравий хуруқларга жавоб бера оладиган кучли иммунитетни шакллантиради.

Учинчидан, кучли маънавият жамият барқарорлигини таъминлайди, одамларда

Буларнинг бари, шубҳасиз, Ўзбекистон жамиятини янада барқарорлаштиради, одамларда инсонийлик, эзулик, адолатлик сифатлари ортишига сабаб бўлади.

Йилларда мамлакат раҳбари соҳанин жамият ҳаётидаги ўрни беихтиёр катта эканини таъкидлаган ҳолда, уни мутлақо янги босқичга кўтариш лозимлигини қайд этди. Жумладан, Сурхондарё вилоятида бўлган учрашувда зиёлилар томонидан билдирилган тақлифлар асосида ҳудудларда фаолият юритаётган 4 та секторга қўшимча равишда маънавият секторини ташкил этиш гоёсини қўллаб-қувватлади. Маънавият сектори маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда жойлардаги Маънавият ва маърифат кенгашларининг ишчи тузилмаси сифатида фаолият кўрсатиши таъкидланди.

Маънавият сектори жамиятни янада барқарорлаштиради, кечаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ислохотларга маънавий-руҳий куч беради, самарадорлигини оширади.

Ҳақиқатан, маънавият бугун жамият ва давлат тараққиётининг ҳал қилувчи омилга айланиб бўлди. Келинг, яхши-ши, шу фикрни асослашга ҳаракат қилиб кўрайлик. Бугунги дунё таҳликали дунёга айланиб бўлди. Миллионлаб одамлар бир бурда нонга, бир томчи сувга зор. Урушлар,

**Ўзимизга савол бериб кўрайлик: тобора кучайиб бораётган хавф-хатарлар, зиддиятли ҳолатлар, кескинликлардан сақланишнинг ягона йўли хушёрлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш эканини ҳаммамиз яхши тушунамизми?**

Президентимиз қайд этганидек, мураккаб геосиёсий ва мафқуравий жараёшларнинг салбий таъсири ортиб, одамларнинг онги ва қалби учун кураш кучайиб бораётган бугунги кунда юртимиз сарҳадлари ва мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини гоёвий ҳимоялаш ишлари замон талаблари, ислохот ва янгилаштириш суръатидан ортада қолмоқда. Ва бу ташвишли ҳол, албатта. Ушбу масалаларни ўрганиш борасидаги илмий тадқиқотлар эса тор доирада амалга оширилмоқда. Уларнинг баъзилари ҳозирги ҳаёт воқелиги ва унинг талабларидан узилиб қолгани, айримларининг натижалари амалиётта суғ жорий этилаётгани ҳам кўтилган самарани бермапти.

Миллий гоё мамлакат тараққиётининг объектив зарурати, миллий ривожланишнинг қонуний ҳосиласи сифатида янги Ўзбекистонни барпо этаётган халқимизнинг мақсад-муддаоларини, орзу-интилизларини ифода этиши лозим. Ана шу масалалар бугунги хавотирли дунёда биз учун жуда керак бўлаётир. Ҳеч шубҳасиз, яратиладиган миллий гоё халқимизни янги мақсадлар сари янада жипсаштиради, жамиятини янада барқарорлаштиради, ҳаётимизга кўрк киритади, турмушимизни фаровон қилади.

Миллий гоё бизни эски мафқуравий, гоёвий сарқитлардан ҳалос этади. Шахс манфаатлари билан жамият манфаатлари ўй-ғунлигини таъминлайди. Қайд этиш кераки, халқимизнинг қаддини янада тик тутиши, аҳоли барча катламлари манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам, ҳеч шубҳасиз, миллий гоё ва унинг жамиятдаги ўрнига боғлиқ. Шунинг учун ҳам мамлакат раҳбари миллий гоёнинг яратувчилик ўрнига алоҳида аҳамият бермоқда.

Шу билан бирга, бугун маънавият соҳасида бажарилиши лозим бўлган вазифалар

Тарихий қаҳрамонларимиз ва жадид боболаримиз ҳақида турли галограмма, ижтимоий ва тарбиявий муаммолар акс этган ижтимоий роликлар, Instagram ва Telegram платформалари учун ватанпарварлик тарбиясига қаратилган компьютер уйинлари, анимацион фильмлар яратиши бугунги кун талабларидан бири, дейиш мумкин.

Яна бир муҳим масала — маънавий тарғибот ишларида хорик таърибасини ўрганиш ҳам самара беради деб ўйлаймиз. Хорикий мамлакатлардаги рақамли тарғиботнинг асосий йўналиши, шакл ва усуллари ўрганиш орқали ёшлар маънавий эҳтиёжларига мос замонавий ахборот ресурслари ва рақамли тарғибот механизмлари ишлаб чиқиши ҳам соҳада туб ислохотларни амалга оширишга ижобий таъсирини кўрсатиши мумкин.

Ижтимоий тармоқлар, рақамли тарғибот орқали биз маънавиятни кучли қила оламиз. Ана шунда одамларда жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш, англашга бўлган табиий эҳтиёж янада ошиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг ижтимоий фаоллигини, ислохотларга дахлдорлик даражасини оширишга имкон беради.

Кучли маънавият одамларнинг кайфияти, қизиқиши, манфаатларини ҳам мунтазам ўрганиб боришни талаб этади. Маънавий тарғибот фақат ваъзхонлиқдан иборат тарзда бўлиши натижасида одамларда бундай тадбирларга қизиқиш сўнади. Энди уларга чўқур таҳлил керак, масалага илмий жиҳатдан ёндашилган ҳолда асосланган ҳолис хулосалар зарур.

Бунинг учун эса фикримизча, аҳоли ўртасида турли сўровномалар, социологик тадқиқотларнинг ўрни ортиб бормоқда. Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузурида ташкил топган Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бу борада муайян ишларни амалга оширмоқда. Яқинда аҳолининг ижтимоий-маънавий кайфиятини аниқлаш мақсадида ўтказилган сўровнома ҳали бу борада кўп муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

Маънавиятни жун тушуниш, аҳамиятини билмаслик, миллий ва умуминсоний қадриятлар иерархиясини англамаслик каби қатор муаммолар мамлакатимиз зиёлилари, маънавий тарғиботчилардан бу борада жиддий ишлар қилишни талаб этмоқда.

Тарғиботнинг таъсирчанлиги унинг аниқлигида намоён бўлади. Умумий гаплар, одамлар ҳар қуни эшитадиган турли ахборотлар бугунги тарғиботнинг самарасига салбий таъсир кўрсатади. Унинг холислиги, асосланганлик даражаси, мавҳумлиқдан йироқлиги ҳар қандай тарғиботнинг ютуғидир.

Айрим ҳолларда баъзи эътиборсиз одамлар фазилят ва иллатни бир-бирдан ажрата олмай қийналади. Баъзан ҳаётимизда учраб турадиган нохушлиқлар, қинғир ишлар, салбий ҳолатларни жамиятда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар билан таққослашга қийналади. Атиги 6-7 йил аввал Ўзбекистон қандай эди-ю, бугунги янги Ўзбекистон қай аҳволда эканини ўз ватанини севган, тақдирини мамлакат ва миллат тақдир билан боғлаган ҳар қандай инсон осонгина англаши мумкин.

Янги турар жойлар, кўчалар, кўприклар, ишлаб чиқариш қорхоналари, замонавий талабларга жавоб берадиган таълим муассасаларини қандай кўрмаслик мумкин? Ахир улар барчамизнинг кўз ўнгимизда содир бўлмоқда-ку, уларнинг иходқори ҳам, бунёдқори ҳам ўзимиз-ку!

Шу маънода, бугунги кучли маънавиятли инсон фазилят билан иллатнинг фарқини англайдиган, яхшиликни қуришга иштиёқман, жамиятда ўш бораётган воқеа-ҳодисаларга тўғри, ҳолис баҳо бера оладиган шахсдир. Қолаверса, кучли маънавиятли инсон ўз тафаккур тарзини такомиллаштиришдан, ўзини ўзи ривожлантиришдан манфаатдор шахс ҳамдир.

Мамлакат раҳбарининг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йилгилишидаги маърузаси, аслида, кўп минг сонли зиёлиларимиз — шоир ва ёзувчиларимиз, маданият ва санъат ходимлари, маънавият фидойиларининг аниқ вақтлардан буён кўнглида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишга имкон берган катта йиғин бўлди.

Кенгаш йилгилишида таъкидланганидек, учрашув маънавий ҳаётимизда янги ислохотлар даврини бошлаб берди. Биз яшаб турган таҳликали замонада жаҳолат ҳам, маънавий таҳдидлар ҳам бўлиши мумкин. Биз барчамиз кучли маънавиятга суянган ҳолда халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгида Ватанга муҳаббат, юртимиз келажига дахлдорлик, тинч, эркин ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш туйғусини кучайтира оламиз. Бу айни ҳақиқат.

**“ Бугун замон ўзгарди. Унинг шиддати ҳаддан ташқари кучли. Теварак-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил этиш, тўғри хулоса чиқаришдан оғир масала йўқ. Ким ҳақ, ким ноҳақлигини англаш тобора қийинлашиб бормоқда. Бир қутбли дунёнинг кўп қутбли дунёга айланиши эса барчамизнинг аввалги тасаввурларимизни ўзгартириб юборди. ”**

кепаётган маънавий-мафқуравий таҳдидларни назарда тутамиз. Аслида, шундайми? Албатта, “оммавий маданият”нинг энг кучли, таъсирли оқими хориждан, асосан, Ғарб давлатларидан кириб келмоқда. Аммо ўзбекларда “Ковун қовундан ранг олади”, деган мақол бор. Шунга мувофиқ, назаримизда, ичимизда ҳам “оммавий маданият”нинг янги-янги шакллари кучайиб бораётгани ачинарли ҳолдир.

Бу нарса, айниқса, айрим нодавлат телерадиоканалларда, хусусан, “сарик матбуот” деб ном олган нашрларда кўпроқ учрамоқда. Олди-қочди гаплар, тўрт-бешта кишидан бўлак ҳеч ким танимайдиган “эстрада юлдузлари”ни кўкка кўтариб мақташ, фалончининг уйланиши, писмадончининг турмушга чиқиши, либосларнинг фасони ва бахоси каби мавзуларга бағишланган курсатувлар, эшиттиришлар, “мақола”ларнинг тобора қўлайиб бораётгани барчамизни, бутун жамиятни безовта қилапти. Бинобарин, бугун ташқи “оммавий маданият” билан бирга ички “оммавий маданият” томонидан кучайиб бораётган таҳдидларга ҳам кўпроқ эътибор бериб, ёшларимизни унинг салбий таъсирдан оғох этиш йўлини излашимиз зарур.

Хўш, бу салбий ҳолатлардан оғох этидиган куч борми, қайси амалларимиз билан ушбу зиддиятларга тўлиб бораётган, оммавий ахлоқсизликнинг минг хил турлари урчиб, қўлайиб бораётган дунёда узлгимизни сақлаб қола оламиз? Фақат маънавият билан!

Бежиз мамлакатимиз раҳбари: “Маънавият — инсонлар ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурмат ва эътибор, халқ ва давлат келажакни биргаликда қуриш йўлидаги эзу интилишлар, ибратли фазилятлар мажмуасидир. Бошқача айтганда, маънавият — жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир. Бу пойдевор қанча мустаҳкам бўлса, халқ ҳам, давлат ҳам шунча кучли бўлади”, деб таъкидлаган.

Маънавият бўлганда, фақат кучли маънавият билан. Хўш, кучли маънавият деганда, нимани тушуниш мумкин?



Дунёни эзулик, меҳоршафқат, инсонийлик қўқариши мумкинлиги тўғрисидаги гоёяни муштарак эътиқодга айлантиради.

Тўртинчидан, кучли маънавият жамият аъзоларида, айниқса, ёшларимиз қалбида ислохотларга дахлдорлик ҳиссини оширади, йиғит-қизларимизда жамиятга ижтимоийлашуни кучайтиришга ёрдам беради. Кучли маънавият “мен”нинг “биз”га айланишини тезлаштиради.

Бешинчидан, кучли маънавият мамлакатимиздаги барча соҳалардаги ислохотларнинг бардавомлигини таъминлайди, уларга куч беради.

Олтинчидан, кучли маънавият жамиятимизда демократия, очкилик, ошқоралик, эркинлик муҳитини яратади. Ўзбекистонни демократик, суверен, ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий давлатга айлантиради.

БУГУННИНГ ГАПИ

# АҚШ БОЗОРИГА “КИРИШ ЧИПТАСИ”

Бошланиши 1-бетда

Уюшма кўмагида Ўзбекистондаги 10 дан ортқ тўқимачилик компанияси WRAP халқаро ижтимоий сертификатига лойиқ кўрилди. Айни пайтда “SamarKand Apparel”, “Haj Tex”, “Gurlan Global Tekst”, “Sangzor Tekstil”, “Tang Group”, “Hamza Expo Art Textile”, “Hojaobod Fayz-M”, “Realtex” каби яна 9 корхона WRAP сертификатини қўлга киритиш арафасида. Шулардан “UZTEX Group” компанияси ва “Yustex” МЧЖ нафақат юртимизда, балки Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб ушбу стандартни олган ишлаб чиқариш субъектларига айланди.

Кўни кеча сертификатлар WRAPнинг мувофиқлик бўйича катта директори Хонг Мей томонидан икки корхона раҳбарига топширилди.

— Аввало, шунга таъкидлаш керакки, бугунги кунда Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги салоҳияти тобора ортиб бормоқда, — дейди Хонг Мей хоним. — Ўзбек тадбиркорлари АҚШ бозорларига чиқиш имкониятига эга. Шунингдек, WRAP сертификати Европа бозорлари эшигини ҳам очиб беради. Бу, ўз навбатида, қўллаб-қувватлаш ҳамда брендларни ўзига жалб қилиб, уларнинг ҳамкорлик занжирига қўшилишини таъминлайди.

WRAP сертификати стандартларнинг энг қийинларидан бўлиб, экспорт учун зарур бўлган барча ижтимоий меъёр ва қоидаларга мувофиқликни тасдиқлайди. Яъни у салоҳиятли хариддорларнинг ахлоқий ҳамда масъулиятли бизнес стандартларига содиқлигини кўрсатади. Сертификат иш жойидаги қонун ва қоидаларга риоя қилишни талаб этади, мажбурий ҳамда болалар меҳнатини таъқиқлайди. Қонунга мувофиқ, компенсация ва имтиёзларни, қонуний иш вақтини, саломатлик ҳамда хавфсизликни, эркинлик ва жамоавий битимларни, атроф-муҳит муҳофазатини, божхона мувофиқлигини, хавфсизликни

қўллаб-қувватлайди. Умуман, у жами 12 тамойилга асосланади.

WRAP сертификати баҳолаш тизимига кўра, уч хил — “platinum”, “gold” ва “silver” турларига бўлинади. Турга қараб, муддати белгиланади. “Silver” сертификати муддати олти ой, “gold” сертификати бир йил. Уч йил кетма-кет олтин сертификати олгандан сўнг корхона “platinum”га муносиб кўрилади ва у икки йил муддатга берилди. Ўзбек корхоналарига эса ҳозирча энг юқори кўрсаткич “gold” сертификати тақдим этилди.

Унга ҳужжат топшириш жараёни ҳам

Саноатни рақамлаштириш ва электрон сотувни оммалаштириш натижасида 2024 йилда экспортни кўшимча 1 миллиард долларга ошириш имконияти пайдо бўлади. Тармоқ корхоналарининг юқоридоги муваффақияти эса имкониятларни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

ўзига хос. Аризадан сўнг 1195 АҚШ доллари миқдорда рўйхатдан ўтиш тўлови қилинади. Кейин аудиторлик компаниялари аудит ўтказида ва унинг натижалари бўйича ҳисобот тавсиялар мувофиқлик ходимлари томонидан



қўриб чиқилади. Зарур ҳолларда туза-тиш ёки қўшимча маълумотлар талаб қилинади. Агар хулоса ижобий бўлса, WRAP ходимлари ва унинг мустақил кузатув кенгашининг розилиги билан корхонага сертификат берилди.

Таъкидлаш жоизки, тўқимачилик саноатида халқаро стандартларнинг жорий этилиши мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларини ривожлантиришни рағбатлантиради, халқаро савдодаги тўқимачилик брандлари билан савдо алоқаларини мураккаб қила оламиз. Шунингдек, ушбу мамлакатда савдо нукталарини ташкил этиб, фаолиятини кенгайтиради. Шу ўринда таъкидлаш керакки, мамлакатимизда импортчи корхоналарни



## уни Ўзбекистон ишлаб чиқарувчилари Марказий Осиёда биринчи бўлиб қўлга киритди

қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилиб, қўлай шарт-шароит яратиб берилмоқда. Жумладан, Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан шундай сертификат олган корхоналарга маълум миқдорда субсидиялар ажратилиши ҳам биз, тадбиркорларни янги марралар сари ундайди.

Ўн йилдан ортқ вақт мобайнида тўқимачилик саноатидамиз. Компаниямизни шу пайтгача Европа минтақаси, МДҚ мамлакатлари бозорига яхши танишди. Бу ўн йилдан ортқ жамоамиз зиммасига катта масъулият юклайди, албатта.

Мутахассислар кейинги йилларда ўзбек матолари ва тайёр маҳсулотларига қизиқиш юқори бўлаётганини айтмоқда. Шу билан бирга, яқунлаётган йил тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун синовли бўлди. Нимага? Бир томондан, пандемиянинг қўллаб-қувватлаш, хусусан, Хитой иқтисодиётига таъсири, пахта ва тўқимачилик маҳсулотларига бўлган талабнинг пасайиши, иккинчи томондан эса ўзбек тўқимачилик маҳсулотларига қизиқишнинг ортиси корхоналарни бизнес сиёсатини ўзгартириш ва маҳсулотлар сифатига бўлган талабларни қайта қўриб чиқишга ундади.

Илгари йилгори корхонасини яратиш ёки йирик тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш фабрикалари оммабоп бизнес бўлиб бўлса, ҳозир барқарор кузатувчан ишлаб чиқариш талаблари оммалашини туфайли вертикал интеграциялашган корхоналар сони тобора ортиб бормоқда.

Пахта-тўқимачилик кластерлари тизимига ўтиш орқали бўша ва кийим-кечак ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун қўшимча имтиёзлар яратилиши бутун тўқимачилик ишлаб чиқариш циклини қамраб олувчи холдинглари сонини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

Статистик маълумотларга кўра, 2023 йил 11 ойи яқунлари бўйича тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажми ўтган йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Яъни ип-калага экспорт 30,6 минг тоннага кўпайган. Матолар тоифасида ҳам сезиларли ўсиш — экспорт ҳажми 238 миллион квадрат метрга ортган. Тайёр маҳсулотлардаги ўсиш эса 122 фоиздан ортқроқни ташкил қилди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда “Better Work” ва “Better Cotton” каби ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилиши билан ўзбек тўқимачилик маҳсулотлари 27 дан ортқ жаҳон брандларининг етказиб бериш тармоғига кирди. GSP+ имтиёзлари кенгайтирилиши, хусусан, Германия, Италия ва Польша давлатларига экспорт ҳажмини ошириш имконини берди.

Тўқимачилик экспортида яна бир ютуқ — электрон тижорат бўлмоқда. Саноатни рақамлаштириш ва электрон сотувни оммалаштириш натижасида 2024 йилда экспортни қўшимча 1 миллиард долларга ошириш имконияти пайдо бўлади. Тармоқ корхоналарининг юқоридоги муваффақияти эса имкониятларни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

КЕКСАЛАР ЎГИТИ



Сув танқислиги дунёда йилдан-йилга энг хавотирли муаммага айланиб бормоқда. Иқлимнинг исиб кетиши ва сув ресурсларидан тежамай фойдаланиш сув инқирозига сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақида тез-тез гапирилмоқда. Маълумотларга кўра, бугун дунёда 2,3 миллиард кишини сув билан таъминлаш энг долзарб муаммо бўлиб турибди. 1 миллиард аҳоли тоза ичимлик сувига эҳтиёж сезяпти. 400 миллион одам эса сувсизликдан азоб чекмоқда.



**Норқул НУШАРОВ,**  
Ўзбекистон  
фахрийларининг ижтимоий  
фаолиятини қўллаб-  
қувватлаш “Нуроний”  
жамғармаси Жиззах  
вилояти бўлими раиси

Афсуски, ушбу глобал муаммо Ўзбекистонимизни ҳам четлаб ўтмагани йўқ. Прогнозларга кўра, яқин йилларда мамлакатимизда сувга бўлган талаб сезиларли даражада ошади, юртимиз сув танқислиги бўйича хавфли ҳудудлар қаторига кириши мумкин.

Шу сабабли сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш энг долзарб вазифага айланган. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг сайловолди дастурида сув

ресурсларини тежашга алоҳида эътибор қаратилиб, 2030 йилга қадар юртимиздаги экин майдонларини тўлиқ сув тежайдиган технологияларга ўтказиш, бу борада фермер, кластер ва деҳқонларга имтиёзлар бериш белгиланган эди. Ушбу мақсадда сув ҳўжалиги соҳасини комплекс ривожлантириш, мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга киришилди. Рақамли ва сувни тежовчи сўғориш технологиялари кенг жорий этилмоқда, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича янги, истиқболли лойиҳалар амалга ошириляпти. Президентимиз нафақат юртимиз, балки қўшни давлатлардаги сув муаммоларини ҳал этиш юзасидан ҳам амалий тақлифларни илгари сурмоқда. Минтақадаги сув муаммоларини ҳал этиш учун қўшни мамлакатларни ҳам фаол ҳамкорликка чақириб, келажак режаларини тузишга ундамоқда.

Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида ушбу масалада сўзлаган нутқи жаҳон ҳамжамиятини, сизу бизни, барчамизни яна бир бор огоҳликка даъват этди.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёда сув ресурслари тақчиллиги билан боғлиқ масалага алоҳида ургу берар экан, БМТ Бош котибининг Сув ресурслари бўйича махсус вакили лавозими таъсис этилишини қўллаб-қувватлади. Марказий Осиёда сувни тежайдиган технологиялар платформасини яратиш жараёнида “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — сув ресурслари” механизминини ишга солиб, энг илғор технологияларни жалб этиш ва татбиқ қилиш тарафдори эканини таъкидлади.

Жорий йил 15 сентябрь куни Тожикистонда бўлиб ўтган Орולי кўтариш

халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида ҳам сув ва бошқа табиий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш маданиятини шакллантириш бўйича махсус дастур қабул қилиш, бу борада ёшлар ташаббуслари ва стартапларини қўллаб-қувватлашни минтақавий даражада ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш зарур, деган тақлифни илгари сурди.

Ички сиёсатда ҳам келгусида кутиляётган сув танқислигини юмшатиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масаласини кун тартибига қўйди. Келгуси 7 йилда мамлакатимизнинг асосий ривожланиш йўналишларини белгилаб берувчи муҳим дастуриламал ҳужжат бўлган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси бунга яққол мисолдир. Стратегиянинг 3-йўналиши сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бағишланган.

Яқинда давлатимиз раҳбари Сурхондарё вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда кенг жамоатчилик ва айниқса, биз, нуронийлар бу борада фаол бўлишимиз лозимлигини қайд этди. “Сув туганмас эмас”, деган гоғни аҳоли он-гига чуқур сингдириш, уни маҳалла фаоллари, нуронийлар, зиёлилар ва кенг жамоатчилик билан бирга кундалик турмуш қоида-қоидага айлантириш асосий вазифамиз бўлиши лозимлигини ўқитиб, келгусида сув тақчиллиги билан юзага келиши мумкин бўлган муаммоларга бугундан ечим излашга барчамиз масъул эканимизни яна бир бор эслатиб ўтди.

Шунингдек, жорий йил 29 ноябрда Қишлоқ ҳўжалигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш борасида барча масъулларга зарур топшириш ва вазифалар белгилаб берилди. Йиғилишда бир йил давомида сувни тежаш бўйича фавақулда иш тизимига ўтилиши таъкидланди.

Шундан келиб чиқиб, яқинда Жиззах вилояти фаолларининг қишлоқ ҳўжалиги йўналишида фаолият кўрсатаётган корхона (фермер, деҳқон ҳўжаликлари, кластер)лари раҳбарлари ва маҳалла раисларига сувни тежамкорлик билан ишлатиш бўйича мурожаати қабул қилинди. Зеро, Жиззах вилоятида ҳам сув муаммоси тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Айтиш жоизки, вилоятда фойдаланиляётган сувнинг 80-90 фоизи қўшни давлатлардан минг машақат билан олинмоқда. Ушбу сув учун давлат бюджетидан бир йилда орта ҳисобда 326,2 миллиард сўм маблағ сарфланяпти. Шунга қарамастан, сувдан ҳўжасизларча фойдаланиш, афсуски, давом этмоқда. Мисол учун, қўшни Қозғистон ва Қирғизистон республикаларида 1 гектарга 6-7 минг куб метр, ривожланган давлатларда 4-5 минг куб метр сув сарфланяётган бир пайтда, Жиззахда 10-12 минг куб метр сув сарф этилмоқда.

Вилоятда 776 километр ҳўжалик ички каналлар, 5141 километр ички ариқлар мавжуд бўлиб, шундан 186,7 километр ҳўжалик ички каналлар, 963,7 километр ички ариқлар бетонлаштирилмаган. Ҳўжалик ички каналлар ва ички ариқларнинг тозаланмагани ёки бетон билан қопланмагани оқибатида ҳар йили 800-900 миллион куб метр сув

йўқотиляётгани ёки давлат бюджетидан ажратилмаётган 194 миллиард сўм маблағ ҳавога учиб кетаётгани ачинарли ҳол. Ваҳолатки, йўқотиляётган сув билан қўшимча 236 минг гектар ерни бир марта сўғориш мумкин, шу пулга фарзандларимиз, невараларимиз учун 19 та мактаб ёхуд 39 та болалар боғчаси ёки 6 та шифохона қуриб, ишга туширса бўлади.

Шундай экан, эндиликда ҳар биримиз сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ичимлик суви таъминоти, уни тежаш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал этишга ўз ҳиссамизни қўшимиз шарт. Бу эзгу ишга булган ҳар бир маҳалла, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро бирдек киришмоғи лозим.

Бу борада, аввало, биз, нуронийлар ташаббуси қўлимизга олиб, аҳоли ўртасида сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантириш учун тушунтириш ишларида фаол қатнашмоғимиз шарт. Ота-боболаримиз ёш авлодни азалдан “Сувга тулпурма”, “Сувни исроф қилма”, “Сув келди, нур келди”, “Сув — ҳаёт манбаи”, “Олдиндан оққан сувнинг қадрига ет”, “Сувнинг уволи ёмон”, “Сув келтирган элда азиз”, дея тарбиялаган. Қариларимиз дастурхон устида дуога қўл очар экан, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлишини тилаш асносида дарёларимизга мўл сув, деҳқончиликла-

римизга барокат тилайди. Ана шу қадриятларимизга амал қилиш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Минг афсуски, биз дунё миқёсида олганда, сувдан ўта исрофгарчилик билан фойдаланиётганлардан бири эканмиз. Демак, сувни асрашни, уни тежаш кераклигини унутялмай. Хонадонларда сувдан фойдаланиш, айниқса, дала ҳовлилардаги боғларда сув исрофгарчилиги жуذا юқори. Ушбу хонадонлардаги очиқ сув хавзалари (ховуз, басосейнлар) ичимлик суви билан тўлдирилади, кўп ҳолларда бу сув тез-тез янгиланади. Автоловни тозалашда ҳам ичимлик сувидан фойдаланамиз. Айрим жойларда боғларимиз, экинларимиз соатлаб ичимлик суви билан сўғорилишини ҳам биламиз. Баъзи корхона-ташкилотлар, овқатланиш шох-бўчаларидаги жўмрақлардан тинимсиз оқаётган сувнинг ҳисоби йўқ. Бебаҳо неъматни ўз қўлимиз билан увор қиляпти. Истеъмол қилган ичимлик суви учун тўловларни ҳам ўз вақтида амалга оширмаймиз. Бу ҳолат муаммо устига муаммо бўлмоқда.

Келинг, азиз юртдошлар! Ичган сувиимизнинг пулини ўз вақтида тўлашни ўрганайлик. Аҳолини, барча истеъмолчиларни ўргатайлик. Халқимиз ўртасида сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантирайлик. Бу хайрли ишни “боғча — мактаб — олийгоҳ” тамойилида, энг муҳими, оилада доимий олиб боришни йўлга қўйиш яхши самара бериши аниқ. Ахир ҳаммамизнинг нијатимиз, фикримиз эзгу, сўзимиз, амалимиз ҳам эзгудир. Дунё тамаддунига тамал тоқибан аждодларимиз ана шу гоғ асосида иш тутган.

Ҳар қандай хайрли ва саовбли иш нуронийларимиз дуоси билан бошланади. Чунки кўпни қўрган отахон онахонларимизнинг ҳаётий тажрибаси, эзгу тилаклари барчамизга куч-ғайрат бағишлайди. Шундай экан, биз, нуронийлар ҳар ишда бош бўлайлик. Янги Ўзбекистонни барпо этишда, она юртимиз тараққиётига ҳисса қўшишда ёшу қари ташаббус кўрсатайлик, нонни қандай эъзозласак, суви ҳам шундай эъзозлайлик. Улуғ неъмат бўлган сувни тежашни ёш авлодга ўргатайлик. Суви тежаш ва исроф қилмаслик тамойилини кундалик мезонимизга айлантирайлик. Зеро, бу бебаҳо неъматлардан келгуси авлодларимиз ҳам баҳраманд бўлиши учун ҳаммамиз бирдек масъулмиз.



www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz\_official


yuz.uz\_news

БИЗНИНГ СУХБАТ

РЕНЕССАНС ЗАБТИ
Маънавий-ақлий ҳодисалардан қувват олади

Бошланиши 1-бетда

— Иброҳим ака, якунига етаётган йилимиз поёнида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши тобора уйғониб, юксалиб ва бирлашиб бораётган туркий дунёнинг муҳокамалар марказига айланаётган, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига, позициясига, қатъий сўзига эга бўлаётган Ўзбекистон давлатининг сарҳисоб онларига муносиб хотима бўлди. Шундай эмасми?



Давлатимиз раҳбери бизга, ёшларга мислсиз уфқлар очяпти. Бунинг учун ёшлар ижодкорлик нафаси билан яшаб, ўзларига чин маънодаги эстетик ва этик ахлоқий, руҳоний замин яратиши ва уларни ўзи умр йўллари, изланишларида маҳкам тутиши керак бўлади. Ёшларга қизиқишлари шаклланишида изчиллик, ирода ва матонат керак. Ҳеч қандай тўсиқлар йўқ. Тўсиқлар феъл-атворимизда бўлиши мумкин. Дунё ҳар томондан ўзгариб бораётгани, демак, биз ҳам ўзгаришимиз керак. Дунё бизни эзгу ишларга чорляптими, биз ҳам лаббай, деб жавоб бериб чоғланишимиз керак.

— Аср тўлкинлари юракларда жаранглаб акс-садо топади. Ватанимизнинг ҳар бурчагидан қувончи, ҳаяжонли хабарлар оқими онгимиз, шуғуримизни тўлалигича эгаллаб олади. Ўзбекистонимизда ғайрат, рағбат, жасорат жўш урмақда. Халқимиз ўз етакчиси билан биргалликда илм-фанни эгаллаш, кашфиётчилик, кордонлик, ишбилармонлик билан ўтган эсда қоларли дамларнинг сарҳисобини қилмоқда.

Президентимизнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг навбатдаги йиғилишидаги нутқини эшитиб, ўзимни унуттирмай воқеалар иштирокчиси сиздек сазоқдаман, қалбим самовий туйғуларга тўлмоқда. Ижодкорлар яхши ҳис қилади, киши қалби ҳаяжонга тўлиб турса, у, албатта, доим жўшиб, тўлқинланиб юради.

Кейинги йилларда Ўзбекистон жаҳонга очилди, дунё Ўзбекистонга ҳавас билан қарамоқда. Дунёвий ва инсоний мақсадлар йўлида оғишмай келмоқдамиз. Бугун Каспий томон йўллар бизни барқарор Европа ва тараққиётпарвар Туркияга ва улар оша Атлантикага олиб чиқади. Олтириққ узулларнинг шўхрати Нью-Йоркка етиб борди, қанчалар машаққатли бўлмасин, қулғу сазъ-харақатлар билан Орол ҳудудларида яшил маконлар барқ ура бошлади. Улик саҳраларда ҳаёт пайдо бўлмоқда.

Ўзбекистон дунёнинг саккиз томонига нажиб йўллар солаётгани билан инсониятни ҳамжиҳатлик, бирдамлик, ҳамкорликка ундамоқда. Шу боис, халқаро миқёсда ишонч ва эътибор, ҳурмат ва эътироф қозонмоқда.

Адабиётчи бўлганим боис, бу юксалиш йўлларини барча оламшумул ҳусуниятлари баробарида, том маънода, асримиз одамлари қалбига кириб бораётган йўллар, деб атагим келади. Кимлар қадим йўлларни бузмақда, Ўзбекистон эса буюқ тарих йўлларини тикламоқда. Бу йўллар шунчаки бир макондан бошқа маконга олиб борадиган йўлларгина эмас, улар тамомила замона концепциялари ва ҳаётбахш дастурлардир. Биз энди уларни янги тушунчалар билан "Марказ" деб атаймиз. Қандай яхши!

Йўлларнинг мундарижаси ва мазмуни гоёти тизиг. Биз шу янги Ўзбекистон йўлларидан эмин-эркин юриб, дам-бадам рўпарамиздан чиқаётган қарама-қаршиликларни енгиб ўтиб

рангларда эмас, ҳаётнинг ҳар бир дами жанг! Аммо бу жангларда эскилик ўлади, янгилик, янги ақл-идрок, ҳиссиётлар бош кўтаради. Ренессанс шундай забғта эга бўлади. Ҳаётда мутлақо инкор қилиб бўлмас ҳақиқатлар бор: озоқ макон, озоқ дил, озоқ адиб, озоқ фермер, озоқ журналист, озоқ илм-фан, ижод энди чин мулкимиз, келажакка ўлмас меросимиз. Буларнинг улғу хибобларни, улғу йўлларни, улғу китобхонларни маъжуд. Шуларнинг навидаси билан яна бир йил поёнида турибмиз, соғ-омонмиз. Янги йил ҳам қулғу келсин, илоҳим!

— Давлатимиз раҳбари йиғилишда маънавият ва маданият соҳасидаги ишларимиз учун методик асос бўлиб хизмат қиладиган миллий ғоамизни ривожлантириш буйича алоҳида дастурий ҳужжат ишлаб чиқиш лозимлигини таъкидлади. Дунёвий давлат концепцияси қандай маънавий-маърифий мезонларга асосланиши зарур деб биласиз? Умуман, Президентимиз ташаббус билан эътиборимиз марказига қўйилган дово — маънавий тараққийт жарайни қандай зврилишлар ва ўзгаришлар асосида ўйи бериши мумкин?

— Табиатда ўзича беҳос думалаб ётган тош йўқ. Ҳозир ҳузурлиниб, думалаб



бормаймизми, ёш авлодни илм, ирода билан чинқиримаяймизми, улғу онгини илм-фан, юксалиш ғояси билан тўлдирмаяймизми?! Тўлдиряймиз, чинқиртяймиз! Ҳар қандай шароитда яшовчан қилишга уринмоқдамиз. Реал тушунчаларга ошно қилмоқдамиз, реал башу ва хулосаларга кўниктиряймиз. Одам реал тушунчалар билан яшаса ва ўзини ҳаёт учун тарбияласа, Президентимиз айтмоқчи, албатта, ўзининг катта инсонпарварлик йўлини топиб олади, иншааллоҳ!

Йўллар ва реал сиёсат бу — давлат раҳбари ҳар биримиздан талаб қилаётган маънавий-ақлий ҳодиса! Мен бир ижодкор сифатида мана шу ҳодисани ўз руҳониятида жуда аниқ сезиб тураман. Улар мени ҳеч нарсага қарамай, ҳарақатга чақиради. Замон бизни шундай ишларга чақириб турмаси, киммиз ўзи?!

Эркин наشريётлар, эркин тахририятлар, журналистлар жамоалари жамиятимизнинг энг оғриқли дардлари устида жон қуйдира бошлагани ҳаммамиз кўриб турибмиз. Уйлайманки, эскича ишлашдан воз кечиб, тамомила янги ёзувчилар ҳам жаҳон фикр майдонига тушади. Жанг фақат шахмат тахтаси ва

ётгандай қуринган бу тош вақти келганда, инсон учун қуринган бир мухташам бинонинг пештоқи ё пойдеворидан ўз ўрнига топади. Бунга заррача иштибоҳ йўқ. Табиат ва жамиятнинг муносабатлари ва тинимсиз олиб борадиган музокаралари, бош-кечи кўринмайдиган мулоқотларида ҳамма нарسانинг ўрни ва маъносини қидирилади. Кембрижга ўқишга кирмоқчи бўлиб қуйиб-пишиб имтиҳон топшириб юрган кизчани синов тариқасида "Маънавият нима?" деб сўроққа тутсангиз, дарҳол: "Маънавият бу маъно дегани, амаки, шунчи ҳам билмайсизми?" деб сизни изза қилиб қўяди. Ва ўзининг Кембрижда таҳсил олишга даъвосини кўз ўнгинида оқлагандай ҳам бўлади. Бундай қизиқувчан ва интилувчан ёшлар кейинги йилларда кўп кўзга ташланмоқда. "Ақлига балли!" дейсиз баногоҳ.

Ва бу янги Ўзбекистон воқелигининг жуда характерли белгиларидан бири. Чирчиқлик бу қизча сизга ялтироқ папкасида бир неча китобчаларини ҳам олиб кўрсатади. Улар ичида ўзи учун ёзган "Инглиз тилини ўзбек тилига қисман ўрганиш методологияси" дегани ҳам бор. Хали ўн олтига ҳам кирмаган бу қизчанинг

ғайрати олдида лол бўлиб, ўйга чўмиб турасиз: маърифатпарвар, илмпарвар, эрқарвар, аждодлар орзу қилиб курашган насл шулар бўлса керак, деб ҳайрат бармогинизни пешонангизга тирайсиз. Уни тамиз билан яна бир оз тинланг: сизга маънавият ва маърифат сўзлари инсон ҳаётининг тўб асосини билдирадиган, катта ҳарфлар билан ёзилдиган маънавият ва Маърифат тушунчаларига айланганга ўттиз йил бўлаётганини ва улар эндиликда ҳуқуқий-демократик жамиятимизда ўзак тушунчалар бўлиб бораётгани, яна ҳам муҳимроғи, миллий ғоамизнинг емирлилас, мустақкам замани эканини сизга профессорлардан ҳам ахшироқ баён қилиб беради.

Қаранг, шундай авлод келяпти. Дунёнинг катта йўлига қияпти. Табиатда ҳамма нарса парваршиш ва эътибор билан юзага чиқади. Инсон табиат ва жамият билан улзусик музокарада ўзини топади, ўзлигини англайди, ўзига муҳит яратади. Маънавият ва маърифатга яхлит қарайлик, яхлит ёмби ҳодиса деб билалйлик. У маданият, санъат, адабиёт, таълим, китоб, журнал, газеталар, халқаро борди-келдиликлар, диний эътиқодлар, бепеён жонли мулоқотларни ва булардан ҳам аввалроқ ахлоқий тарбия таълимини ўз ичига олади ва мудом улар билан чамбарчас боғланган ҳолда юксалиб, ўзини ўзи яратиб боради. Ўзини ўзи яратиб ва янгилаб боради, деган тушунчага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Бу ҳар бир инсон онги ва қалбда кечади. Туйғу ва ҳиссиётларни юзага чиқаради. Энг муҳими, у инсонга сув ва ҳаводек зарур қадриятларни юзага келтиради ва ҳарақатга солади. У тўхтовсиз янгилаиб боради. Президентимизнинг Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишидаги нутқида "Маънавият ҳаётимизда янги куч, янги ҳарақатга айланади керак", деган тезис ўртага ташланди ва "янги" сўзига уруғ берилди. Шу тариқа у янги Ўзбекистон, янги Уйғониш, янги дунёвий давлат, деган ижтимоий-фалсафий ҳодисаларга том маънода ҳамоҳанглик касб этди. Яна бир қарра қайтараман: буларнинг бари жуда яхлит. Уларга яхлит бир бутунликда қарамок ва муносабатда бўлмоқлик талаб этилади.

Ҳозирги замон шундайки, маънавият ва маърифатни ўлмас, битмас-туганмас қадрият биллиб, ҳар иккисига онгимиз, тафаккуримиз, дунёқарашимизда янги йўналиш бера оламизми, деган жуда катта масала кўндаланг туради. Чунки рақамли дунёга кирдик. Газеталарнинг истилоҳлари кундан-кун мураккаблашиб, ижтимоийлашиб, сиёсийлашиб бормоқда. Бундан кўз юмишнинг иложи йўқ.

Президентимиз ўз нутқида маънавият ва маърифатнинг бугунги ўн битта соҳасини тилга олди ва уларни замон, одамларнинг иқтидорлари нуктаи назари билан таҳлилдан ўтказди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир соҳанинг тараққиёти учун рақам келтиради. Ҳар ўринда гап миллиардлар, триллионлар устида боради. Қуруқ қошиқ оғзини йиртади. Президент маънавият соҳаларига иқтисодий замин, мустақкам таянч бўлмаси, ривожланиш бўлмаслигини етук иқтисодчи сифатида теран билади. Триллионлар бор-у, лекин уларни тасарруф қилувчиларнинг кайфияти қандай? Маънавият масканларининг архитектураси қандай бўлиши керак?

Маънавият соҳаларида, уларнинг минглаб кадрлари қажашонида реал

таъсирчанликка эришиш учун қандай моделлар, қандай методлар ишлаб чиқилиши керак? Ахир моделларсиз, илмий назарияларга асосланган методларсиз ҳозирги замонда бир қадам ҳам силжиб бўлмайди-ку! Балки маънавиятнинг бошқариш тизимларини оптимал тарзда янгилаш заруратга айланаётганми? Ахир янги куч, янги ҳарақатга айланади керак! Ҳаял ва қадриятлар маънавиятнинг матрицаси эмасми? Янги маънавият нималарда намён бўлади, қандай? Буни адо этиш учун ички эркинлик етарлича мустаҳкамми?

Мен "Ёшлар учун минг китоб" лойиҳаси ҳақида ўқиганимда яхши мушиқа эшитгандай ҳаяжонландим. Кўз ўнгимда уфқлар тўла дунё китоблари манзараси ястанди. Эски одамман, шекилли, бу руҳоний манзарани хаёлимга сиғдира олмадим. Ҳақиқатан, бундай улғувор ишлар учун янги насллар майдонга чиқаётганга ўхшайди. Президентимиз ёшларни ҳар томонлама рағбатлантираётгани, ғайрат ва шижоатга ундаётгани бежиз эмас.

— Сухбатларингиздан бирида "Бизнинг ўзбек-туркий цивилизация-миз эл-юрт манфаатларини биринчи даражали деб билишдан, юрт, тил бирлиги туйғусидан барқарор бўлди. IX асрдан бошлаб ўзбек цивилизацияси ислом цивилизацияси билан туташди ва ўз мундарижаси, уфқларини бойитди. Мен Навоийни яхлит бир цивилизация деб биламан. Жадид аждодларимиз Навоий цивилизациясининг давом эттирувчилари бўлди. Унинг маърифатини янги замонларга олиб кирдилар. Бу эзгу ишга бошларини тикдилар", дегансиз. Биз сиз мансуб ижодкорлар авлоди — Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Уткир Ҳошимовни ҳам яшовчан ғоялар ва улардан тугилган гўзал асарлар муаллифлари сифатида жадидларга издох маданий авлод деб атагимиз келади. Усто, мана бугун 86 ёшга қарши олясиз. Узингиз босиб ўтган ижод ва умр йўлига қандай таъриф берган бўлардингиз?

— Жадидларга издох маданий авлод! Қандай эур фикр! Жадидларга издохлиқнинг эса буюқ инсоний ижодий масъулияти бор. Мен ҳозирги ёшлар авлоди бу вазифани ўз зиммасига ола билди, деб ишонман. Чунки қорқорида айтганим Кембрижга интилаётган ўн олти яшар қизча ёлғиз эмас. Улар бугун Ўзбекистонда минглаб, миллионлар деб айтгим ва бунга ишонгим келади. Қўларверса, дунёвий давлатнинг аксессуарлари шулар билан адл бунёд бўлади. Ўзбекистонда ижодкорлар, иқтидорли кучлар етарли.

"Бугун маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши керак, шунда у янги куч, янги ҳарақатга айланади", дейди Президентимиз. Шунингдек, йиғилишдаги нутқида болалар адабиётини ривожлантириши жуда катта масала қилиб қўйди. Интернет адабиёти, жаҳон адабиётидан бадиий таржималар — яқин келажикимизнинг тамал тошларидир. Маданият ва онг тарбиясида буларнинг ўрни беқиёс.

Давлатимиз раҳбери бизга, ёшларга мислсиз уфқлар очяпти. Бунинг учун ёшлар ижодкорлик нафаси билан яшаб, ўзларига чин маънодаги эстетик ва этик ахлоқий, руҳоний замин яратиши ва уларни ўз умр йўллари, изланишларида маҳкам тутиши керак бўлади. Ёшларга қизиқишлари шаклланишида изчиллик, ирода ва матонат керак. Ҳеч қандай тўсиқлар йўқ. Тўсиқлар феъл-атворимизда бўлиши мумкин. Дунё ҳар томондан ўзгариб бораётгани, демак, биз ҳам ўзгаришимиз керак. Дунё бизни эзгу ишларга чорляптими, биз ҳам лаббай, деб жавоб бериб чоғланишимиз керак.

Менга келсак, қудўқ ҳали қуригани йўқ. Тубларда зиллоқ, гуворсиз кўк сувлар чайқалиб, заминнинг азал ҳарақатидан мавжланиб турибди. Бу қудқнинг сувларини ҳаёт, деб атайман. Обиҳаёт каби асарлар дунёга келтиришни ҳамон орзу қиламан. Тангри Ер курабини коинотлар ичида миллиардлаб юлдузлар аро макон қилиб яратган ва барча махлуқларига ризқу рўзун тўқис ато этган. Коинотда яратувчилик билан бужуғчилик омонсиз курашади. Ижодкорлар — инсоният ани ташнаком бўлиб турганда унга бир қосада ҳаёт манбаини тутишга чоғланган одамлар. Олимлар ва ёзувчилар доим ҳарақатда. Ожизлик банданинг ўлими билан баробар. Ҳаётнинг тузи, асл маъноси уларнинг асарларида. Оламнинг ибтидоси — бўшлиқ. Ижодкорлар шу азал бўшлиқини инсоний маъно билан тўлдирди ва яшашга марок бағишлайди. "Доим янги кун билан яшаш керак", дейди XIX асрда ашаган америкалик адиб Ральф Уолдо Эмерсон. Мен кириб келаятган ҳар бир янги кунни севаман. Президентимиз айтмоқчи, мамлакатимиз янги тараққиёт даврига қадам қўйди. Янги Уйғониш даври. Мен икки асрнинг одамиман. Янги асрда маънавият ва ижод сафиди бўлсам, дейман.

"Янги Ўзбекистон" муҳбири Мухтасар ТОЖИМАТОВА суҳбатлашди.

ЭЪТИРОФ

Вақтнинг қадрига етиш — олим учун жуда муҳим масала. Аслида, бугун бутун дунёдаги тенденция ҳам шундай. XX аср бошида Альберт Эйнштейн, Эрвин Шрёдингер каби буюқ олимлар индивидуал тарзда фаолият кўрсатган. Ўша вақтларда Нобель мукофотини олиш учун қоғоз, қалам ва ўткир ақлнинг ўзи кифоа эди, холос. Лекин ҳозир вазият бошқача. Ер юзиди илм-фан интеграцияси кузатилаётган бир пайтда халқаро илмий коллаборацияга қўшилган олим оламшумул кашфиёт қилиши амри маҳол.

ЮРТИМИЗДА ИЛМ-ФАН ҚАДР-ҚИММАТИ ЮКСАЛМОҚДА



Бобомурод АХМЕДОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси Мирзо Улғубек номидаги Астрономия институти Лаборатория мудири, академик

XXI асрга келиб, ахборот технологиялари ривожланиши ва ўзара ахборот алмашинуви сурьвати кескин ошиши, илм-фан тараққиёти муайян давлат миқёсидида чегараларни йўққа қилди. Хусусан, Ўзбекистонда астрономия фанини ўрганиш, илмий тадқиқотлар ривожини соҳани халқаро даражага олиб чиқмасдан тасаввур қилиш қийин.

Ҳозирги даврда фан глобализацияси жуда юксалди. Бу замон олимларини дунёнинг қайси нуктасида бўлмасин, ўзара коллаборацияда — ҳамкорликда илмий фаолият юрияётганини аналатади. Бундай ҳамкорлик нати-

Илм-фанга қаратилётган эътибор ва рағбатнинг ўзи илмий кадрлар учун катта далда. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясига давлат бюджетидан 32 миллион АҚШ доллари миқдоридида маблағ ажратилди. Бунақаси тарихда бўлмаган!



жасини амалиётда кенг қўллаётган ва муҳим натижаларга эришяётган, замонавий илм-фан энг илғор ривожланаётган давлатлар қаторида Европа мамлакатлари, АҚШ, Канада, Хитой, Япония кабиларни келтириш мумкин. Астрофизика соҳасида бизнинг илмий мактабимиз Европа ва Осиё мамлакатлари олимлари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Булар орасида Германиянинг Франкфурт шаҳридаги Гёте университетини алоҳида таъкидлаш ўринли. Ҳамкорлик мақсули ўлароқ дунёнинг энг нуфузли журналларида кўплаб илмий мақолалар чоп этишга эришдик.

Илм-фанга қаратилётган эътибор ва рағбатнинг ўзи илмий кадрлар учун катта далда. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясига давлат бюджетидан 32 миллион АҚШ доллари миқдоридида маблағ ажратилди. Бунақаси тарихда бўлмаган! Маблагнинг асосий қисми илмий-тадқиқот институтлари моддий-техник таъминотини

қўлайди. Қулғу даргоҳнинг ҳақиқий аззоси сифатида, аввало, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятини кучайтириши мақсад қилиб қўйдим. Хусусан, гуруҳимиз билан 2024 йил давомидида 100 дан ортқққ илмий мақолали халқаро журналларда чоп этириши режалаштирганмиз. Келгусида 2 нафар фан доктори ва 5 нафар фан номзоди тайёрлаш ҳамда уларни кўрлаб-қувватлаш ҳам мақсадларим қўлайди.

Шунингдек, академик сифатида республика бўйлаб илмий мактабларини ривожлантириш, ҳудудий ва тармоқ муаммолари ечимларини ишлаб чиқишга фаол иштирок этиш, халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ва жаҳонда Ўзбекистон илм-фани нуфузини юксалтириш, инновацион жараёнларни жадаллаштириш борасидаги тизимли ислоҳотлар мазмуно-моҳиятини, замонавий илм-фан ютуқларини жоиларда кенг тарғиб қилиш ҳам режаларимнинг асосини ташкил этади.

МУНОСАБАТ

ТАФАККУР ВА ТУЙҒУ УЙҒУНЛИГИ



Ботир ЭРҒАШЕВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси раисининг ўринбосари



Жадид боболаримиз юз йил аввал маънавият — инсон руҳий мувозанатини тутиб турувчи муҳим таянч эканини таъкидлаган эди. Маънан юксалиш учун, аввало, маънан покланиш лозим бўлади. Бу каби эзгу максадлар ва унинг амалий қўрилиши, шубҳасиз, аввалга инсон руҳиятини тарбияласа, кейинчалик у бутун жамиятга ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

муҳим ўзгаришлар кутганди. Илло, ропа-роса беш соат давом этган анжуманда ўша кутилганидан — кутганимиздан ҳам зиёд ташаббуслар, хушхабарлар айтилди. Очиги, беш соатлик фурсат беш дақиқадек тез ўтиб кетганини бир мен эмас, шу издиҳомда бўлган жуда кўпчиликдан эшитдим. Демак, бу даврада бегона йўқ эди, бу даврада айтилган ҳар бир сўз, ҳар бир масала йўналиши, айнан муҳим эди!

Мен юртимизнинг улкан бир маърифий ташкилоти — Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчасининг ёшлар билан ишлаш бўйича масъул вакили сифатида кўпроқ мутаассир бўлдим. Узим учун жуда қўлпаб вази-ларни, келгуси йилга мўлжалланган режаларни ёзиб, тузиб олдим.

Мамлакатимиз раҳбари қандай тадбир ёки йиғилиш бўлмасин, китобхонлик ҳақида, китобнинг маънавий таъсири, жозибаси ҳақида сўзлайди. Бу борада алоҳида кўрик-танлов ташкил этилиб, унинг ғолиб-ларига автомобиль совға қилинаётгани бугунгидек шиддат билан тез ўзгараётган дунёда ахамиятини таққослаб бўлмайди-ган муҳим ташаббусдир.

Шу кун ҳам Президентимиз раҳбарлар доимий мурола қилиши, китобхон бўлиши муҳимлиги тўғрисида гапирди. Китоб ўқима-ган раҳбар билан китоб ўқиган раҳбарнинг фарқи ҳар жабҳада яққол кўзга ташланишига ишора қилди.

Китоб нима? Китоб, аввало, адабиёт! Инсоннинг нақадар олижаноб хилқат экани, ҳаёт ва муҳаббат ҳақидаги ҳақиқат-ларни, тинимсиз баъдий йўналишда ифо-даловчи, башарнинг энг нозик торларини чертувчи — яратилиш моҳиятини тадқиқ этувчи, одамзодни уйғотувчи куч, таъсир мўъжизаси! Адабиётнинг асоси эса, шубҳа-сиз, миллат маънавияти билан боғлиқ. Шу-нинг учун ҳам бундан юз йил аввал жадид бобомиз Абдулхамид Чўлпон "Адабиёт яшаса, миллат яшайди!", дея хитоб қилган.

Ёшлар тарбияси, камолоти ёки заволли сингари масалалар фақат бугуннинг гапи эмас. Ҳамма замонлару жамиятларда ҳам бу ўрганилган, чоралар изланган, минглаб тажрибалар қилиб кўрилган. Лекин улар-нинг бирортаси адабиёт ва санъатчилик самара бермаган.

Нега шундай? Санъатнинг, адабиётнинг қандай силри кучи, қудрати борки, у инсон қалбини, шуурини бошқарса, йўналтирса?! Бинобарин, адабиёт сўзининг ўзаги "одоб-

ахлоқ", "тарбия" билан боғлианиши барчага маълум. Санъат бу — яратил, меҳнат-машаққат, жамиятнинг олд вақилига айланган учун тинимсиз интилиш эканини ҳам сизу бизга эслатиш шарт эмас, назаримда.

Шунинг учун ҳам ёшларнинг қалам ту-тиб, баҳоли қудрат шеърятга, насрга, таржимага ёки адабиётнинг бошқа йўна-лишига ошно бўлаётганини кўрсат, енгил бўлган, уларнинг хоҳиш-иродаси, феъл-атворини ҳам ўйлашимиз, адолат тарозисига солишимиз лозим экан, деган хулосага келдим.

Президентимиз маъруза қиларкан, худ-дудларда маънавиятга панжа орасидан, паст назар билан қараётган раҳбарлар ҳам борлигини афсус билан таъкидлаб, бундай ёмон муносабат бундан буён кечирилмас-



тортаман, уларнинг бошқа "йўллар"ни тан-лаши ҳам мумкин эканини ўйлайман. Йўқ, адабиётсезар боладан, санъатсезар бо-ладан ёмонлик чиқмайди. Аксинча, қўлпаб ёмонликларнинг олдини олиши, ўз дўст-ларини азгуликка чорлаши мумкинлигига ишониб, хотиржам тортаман.

Тўрт-беш йиллик фаолиятим давоми-да ўнлаб ёш ижодкорлар билан суҳбатла-шув, уларнинг муаммоларига қўлпаб тутиб, амин бўлдимки, ёшлар биздан оз бўлса-да, эътибор қутади. Эътибор бу мақтов ёки мод-дий рағбат эмас, шунчаки, уларнинг сафда борлигини тан олиш, шаштини сундирмаслик, парвози учун имкон қадар осмон яратиш, ҳеч бўлмаганда, халал бермаслик ва ҳоказо...

Дарахтнинг ёш новдалари қуёшга тал-пиниб ўсганидек, ёшлар ҳам ўзи учун нур деб билган томонга интилиб улғаиди. Аф-суски, бугун ўзини "зиё" деб атаб, пировар-дида ёш авлодни мутлақо зулматга олиб кираётган ёвуз кучлар ҳам йўқ эмас. Биз

эътибордан четда қолдирган, жамиятдан узилиб қолган ёшлар айнан ўшаларнинг қармоғига осонгина илиниб қолаётганига ҳам онда-сонда гувоҳ бўлаётганимиз бор гап. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жойларда бугун айнан шундай ўғил-қизларимизга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Бу "уюлмаган ёшлар" деган иборанинг оммалашувиغا хизмат қилди.

Адабиёт кишилари орасида кўп айтила-диган бир нақл бор — истеводларга туртки керак, қўллаб-қувватлов керак. Бугун улар каби ёшлар билан бир жамоамиз, бирга кўп лойиҳаларни амалга ошириб келяпмиз.

Шу ишлардан кейин, демак, ёшлар деганда, уларнинг хоҳиш-иродаси, феъл-атворини ҳам ўйлашимиз, адолат тарозисига солишимиз лозим экан, деган хулосага келдим.

Президентимиз маъруза қиларкан, худ-дудларда маънавиятга панжа орасидан, паст назар билан қараётган раҳбарлар ҳам борлигини афсус билан таъкидлаб, бундай ёмон муносабат бундан буён кечирилмас-



ўзбек тили бўйича халқаро олимпиадалар ўтказилиши, ғолиб ва совриндорлар пул мукофоти билан рағбатлантирилишидан ташқари, нуфузли олий ўқув юрларининг ўзбек филологияси йўналиши бўйича дав-лат гранти асосида ўқишга қабул қилиниши ҳақидаги гапларни эшитганимда кўзимга қувонч ва гурур ёшлари келди. Ҳам ёшлар масаласига дахлдор бир масъул ходим, ҳам ижодкор сифатида, қолаверса, тўрт фарзанднинг отаси сифатида кўнглим тоғдай кўтарилди. Ёшларимизга, ўзимиз-нинг зиёлиларимиз — азиз муаллимларга берилмаётган мана шундай имкониятлар, қўллаб-қувватлов бугун ҳар қачонгидан ҳам зарур эканини яна бир қарра англа-дим. Бу саъй-ҳаракатлар тез орада ўз ме-васини беради, албатта.

Президентимиз маънавият борасида жўшиб, куюниб маъруза қиларкан, бу учун "иқтисодий қувват" зарурлигини эслати-ди. Бу қувватнинг ошиши шoir-ёзувчилар-нинг фаоллигини, садоқатини ҳам тақозо этади. Агар бунга ёшларимизни кенг жалб этсак, бугундан уларнинг шуурини Ватан, миллат қайғуси билан сугорсак, жадидла-римиз оруз қилган адабиёт яна уйғонади, яна оёққа туради! Бунинг учун уларга жа-миятимизнинг барча қатлами илҳом бериб туриши зарур. Илҳом бу — рағбат, илҳом бу — эътибор, илҳом бу — сўз ва ижод эр-кинлиги!

Шўрқиб, бу ғоялар, бу ташаббуслар айнан шу жиҳатларни ўзида тўла қамраб олган. Буни асослаш учун "Биринчи китобим" лой-иҳасида ҳар йили ўнлаб ёш қаламкашлар-нинг китоби минглаб нусхада чоп этилиб, бепул тарқатилаётгани ёки ёш ижодкорлар-нинг аъён-аъвий Зомин семинарида озлаб иқтидорли ўғил-қизлар кашф этилаётгани ва бошқа имтиёзлар, ёшлар салоҳиятини юзага чиқарувчи ажойиб лойиҳалар ҳақида ортинча тўхталиб ўтирмоқчи эмасман. Чунки бу жара-ёнларни барчамиз ўз кўзимиз билан кўриб, гувоҳи бўлиб келяпмиз.

Ижодкор бир марта яшайдиган умрини баъдий ижода бағишларкан, ёзганлари китоб шаклида ўз ўқувчиларига етиб бори-шини истаиди. Бироқ китоб чоп этишининг

ҳаммага маълум бўлмаган машаққатли то-монлари, кўзга кўринмас чиғирликлари бор. Бугун аксарият босмахоналарни қоғоз му-аммоси ўйга толдирган. Мамлакатимизда қоғоз импорт маҳсулот бўлгани, унга дунё миқёсида эҳтиёж ортиб бораётгани, бу эса ўз-ўзидан китоб таннархига таъсир ўтказе-ётгани бунга сабаб бўлмоқда.

Йиғилишда Президентимиз мазкур му-аммога ҳам яхшигина ечим топиб берди. Яъни келгусида китобхонликка эътиборни янада ошириш, халқимизнинг баъдий ада-биятга бўлган талабини етарли даражада қондириш мақсадида ноширлик фаолияти-ни тубдан ислоҳ қилиш лозимлигини таъ-кидлади. Бунинг учун янги йилдан бошлаб, наشريёт ва босмахоналар беш йил му-датга барча турдаги солиқлардан озод эти-ладиган бўлди! Айниқса, ноширлик билан шуғулланадиган тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратилиши қўзда тутилгани қу-вончимизни юз қарра оширди.

Бундай жамиятда энди ёзиш, жўшиб-то-шиб, қайнаб-яйраб ижод қилиш керак, холос. Ўз асарларимиз, фаоллигимиз, Ва-танга, халққа садоқатимиз билан бу яхши-ликларга жавоб беришимиз талаб этилади. Бугун ёшлар энг олдинги сафда бўлиши, оғирликни ўзига олиб, катта мақсадлар сари дадил интилишига монелик қилмайдиган сабаб қолмади.

Мухтасар айтганда, мазкур тарихий йиғилишда маънавият ва маърифат билан адабиёт, санъат, маданият бир, яқдил соҳалар эканини яна бир қарра илғадик. Жамиятнинг камолотга бошлашда, ҳар бир инсоннинг маънавий қарашларини ўзгарти-риш, маърифий шуурини янгилашда ада-биёт ҳам, маданият ҳам бирдек жавобгар эканини англадик. Бинобарин, давлатимиз раҳбари айтганидек, биз шундай мураккаб йўлни танладик, энди ортага йўл йўқ!

Боболаримиз бошлаб берган тамадду-ларнинг навбатдагиси — Учинчи Ўйғонишга айнан биз, зиёлилар ортимиздан келаётган ёшлар оқими билан мустақкам пойдевор қўйишимиз зарур! Бунинг учун бир халқ, бир миллат бўлиб, чинакам янги Ўзбекис-тонни барпо этмоғимизга асло шубҳа йўқ.

БАҒРИКЕНГ ЛИК

ҚАРДОШЛАРИМИЗНИНГ 60 ЙИЛЛИК ҚАДРДОНИ

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги киночилар уйида "Ўзбекистон" телеканалда эфирга бериладиган "Дидар" ("Замандас") телекўрсатувининг 60 йиллиги муносабати билан ташкил этилган байрам тадбири ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги яхши қўшничилик, бағрикенглик аъёнларининг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Урбигул Суербоева, маданият ходими Алишер Жунисов, хонанда Қарибой Абуов, Асқар Налибоев ва Шарипа Нурбекова шулар жумласидан.

Шунингдек, мазкур кўрсатувда хавас-кордан тортиб, Қозоғистон халқ артист-лари Эрмек Серкебоев, Бибиғул Тулегенова, хонанда, бастакор Шамил Абилов ҳам профессионал санъат-корлар иштирок этган. Дастурга Олма-отадан ҳам меҳмонлар келиб турган.

Ҳозир журналистлар Анор Налибоев, Замира Жиенбоева, Рустам Туленов, режиссёр Фазлиддин Нажмиддинов бир ижодий гуруҳ бўлиб фаолият юртияпти.

— 1989 йили сафимизга журналист Усен Умрзоқов қўшилиб, "Дидар" кўрсату-вини очди, қозоқ тилидаги кўрсатув икки-та бўлди, — дейди кўрсатув бошловчиси Анор Налибоев. — Мустақилликдан сўнг тожик, корейс, қорақалпоқ, қирғиз, татар тилларидаги кўрсатувлар ҳам ташкил қилинди. 1991 йилдан буён ҳаммаси Замира Жиенбоева билан бирга ишлаб келяпмиз. Айниқса, кейинги 5-6 йилдаги хизмат сафарларимиз бутунлай бошқа-ча кўриниш олганини айтмасам бўлмас. "Обод қишлоқ" дастури қишлоқларда яша-ётган одамларнинг ҳаёт тарзини яхши-лаш, шаҳардагидек шароитлар яратишга жиддий қиришилган кезларда қозоқлар энг кўп яшайдиган манзиллар — Навоийнинг Томди, Нурота, Учқудуқ, Қонимех туманла-рида бўлди. Ниҳоятда катта куч сафар-бар этилиб, астойдил саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ, Қўнғирот ва бошқа худудлари, Жиззахдаги Манас қишлоғи гоёғат ўзгал қиё-фа касб этди. Аввалги кўрсатувларимизда қозоқ миллати турмуш тарзи, ютуқлари



ҳақида гапирган бўлсак, мана шундай эзгу ишлардан сўнг ўзга миллат вакилларига ҳам яратиб берилаётган имкониятларни кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Байрам тадбирида 60 йилдан буён эфир юзидан кўриб келаётган "Замандас" ("Ди-дар")нинг барча ижодкорлари ўзбек элида яшаб, эмин-эркин ижод қилаётганидан бах-тиёрлигини кўзюи сўзида ифода этди.

Маросимда халқ дипломатиясини ривож-лантириш ва миллатлараро тотувлигини муста-ҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун "Ди-дар" теледастури ижодкорлари А.Налибоева,

З.Жиенбаева ва Ф.Нажмиддинова Ўзбекис-тонда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Халқ дипломатияси марказининг "Халқ диплома-ти" курак нишонини топшириди.

Уйлаймики, бундай эътибор ва эътироф ҳар икки мамлакатни бир-бирига янада яқинлаштириш, бағрикенглик фази-латини баралла тараннум этишга хизмат қилади.

Муножат МҮМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

ҲАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1246. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда. 43301 нусхада босилди.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. "ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова Мусахҳис: Насиба Абдуллаева Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй